



2020 у « 25 » май

№ Қ-223

« » 20 г

Термиз тумани “Янгиҳаёт” маҳалласи худудидан “Хумойиддин Фарангиз” оилавий корхонасига “Иссиқхона биноси” қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 24 мартдаги 05-02/161-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 10 мартдаги 33/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 24 мартдаги 05-02/161-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Янгиҳаёт” маҳалласи худудидан “Хумойиддин Фарангиз” оилавий корхонасига туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 94қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 42,1 балл бўлган 2,0 гектар суғориладиган экин ер майдони қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш мақсадида “Иссиқхона биноси”ни қуриш учун вақтинчалик (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Хумойиддин Фарангиз” оилавий корхонаси бошлиғи Б.Абидовга: ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Саматов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов